

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

Тўлаев Ҳусан Бердиёрович

**“ЯНГИДАН СУҒОРИЛАДИГАН ТИПИК БЎЗ ВА ЎТЛОҚИ БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИНИНГ ГУМУС ҲОЛАТИ
(Бўка тумани тупроқлари мисолида) ”**

Мутахассислик: 5А 621101 – «Агротупроқшунослик»

**Агротупроқшунослик магистри академик даражасини олиш учун
ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

Диссертация иши «Агрокимё ва
агротупроқшунослик» кафедрасида
муҳокама қилинди ва ҳимоя қилишга
рухсат этилди. Кафедра мудири,
доцент:

_____ Б.С.Комилов

Илмий раҳбар:
доцент _____ Н.Раупова

“ ____ ” _____ 2011 йил

Магистратура бўлими бошлиғи,
профессор _____ М.И.Рашидов
“ ____ ” _____ 2011 йил

Магистр _____ Тўлаев.Х.Б.

Тошкент 2011

МУНДАРИЖА.

Кириш.....	3
I-БОБ. Адабиётлар шарҳи.....	6
II-БОБ. Тадқиқотни бажариш шароити ва услуги.....	17
2.1. Тадқиқот объектининг тупрок-иклим шароитлари.....	17
2.1.1. Литологик-геологик шароитлари.....	18
2.1.2. Рельеф.....	18
2.1.3. Гидрогеологик шароитлари.....	19
2.1.4. Иқлим.....	19
2.1.5. Ўсимлик қоплами.....	21
2.2. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ва услублари.....	22
2.3. Тадқиқот натижалари ва уни моҳияти.....	24
2.3.1. Таҷриба олиб борилган жойнинг тупроғи ва уларнинг тавсифи.....	24
2.3.2. Тупроқ морфологияси	25
2.3.3. Механик таркиби.....	29
2.3.4. Тупроқнинг умумий физик хоссалари.....	32
2.3.5. Эрозияга учраган типик буз тупроқларнинг агрохимёвий хоссалари.....	34
III-БОБ. Сугориладиган типик буз ва утлоки буз тупроқларнинг гумус ва азот таркиби, ҳамда C : N нисбати.....	39
ҲI-БОБ. Сугориладиган буз утлоки тупроқларда умумий гумус микдорини ва лабил шаклдаги гумус моддалари ва уларни экинлархосилдорлигига таъсири.....	44
Хулоса ва тақлифлар.....	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	49
Веб сайтлар.....	57

КИРИШ.

Республикаимиз мустақилликка эришганидан сўнг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўналишларда кенг қамровли ислохотлар ўтказишга киришилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш тамойилларга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида асосий восита ва манба ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 29 октябрдаги ҳамда “Инсон манфаатлари устиворлигини таъминлаш барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир” Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси ва бошқа бир қатор фармонларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг янада барқарор ривожланиши, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмининг такомиллаштиришга қаратилган қарори республикаимиз ер ресурсларидан фойдаланишда давлат сиёсатини амалга оширишнинг асосларини яратиб берганидан далолатдир.

Суғориладиган ерлар тупроқ шароити, механик таркиби, шўрланиш даражаси, гипснинг мавжудлиги, тошлоқлилиги, эрозияга мойиллиги ва бошқа хусусиятлари бўйича фарқланади.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги ер турларининг сифат ҳолати салбий агромилиоратив сабабларга кўра ёмонлашмоқда. Бу ер ҳолатининг ёмонлашуви тупроқ шўрланиши, заҳ қочириш шохобчаларининг вақтида тозаланмаслиги натижасида ер ости сувларининг кўтарилишини келтириб чиқаради.

Суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, тиклаш ва сақлаб қолиш, ерлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ер ресурсларидан

фойдаланишнинг аҳволини таҳлил қилип, мавжуд камчилик ва муаммоларни аниклаш, уларни бартараф этиш ва келгуси йилларга самарадорлигини ошириш бўйича дастурий концепция ишлаб чиқилмоқда.

Хозирги шароитда тупроқ унумдорлигини ошириш тадбирларидан бири вилоят миқёсида таклиф этилаётган экин майдонларини табакалаштириш жойлаштириш структурасидир.

Бу структурани ишлаб чиқишда табиий қишлоқ хўжалик районлаштириш, бонитет гуруҳлари (класслари) бўйича ерлар сифатини баҳолаш ва турли тупроқ иқлим шароитлари учун алмашлаб экишни принципиал схемалари асос бўлиб хизмат қилади.

Тупроқнинг унумдорлигини кўп жиҳатдан белгиловчи органик модда-гумусдир. Шунини таъкидлаш керакки, тупроқ унумдорлигида гумуснинг умумий захираси эмас, балки янги фаол органик қисми кўп бўлсада, у фаол эмас.

Тупроқнинг унумдорлигини ҳар томонлама ошириб бориш масаласини ечмоқлик фақат уларнинг табиий ресурсларини ишга солмоқликка қаратилган бўлмасдан, балки уларнинг сарф бўлиб кетган қисмини қайтариш ва тўлдириш, шу билан бирга агроэкосистемаларнинг қўшимча энергия резервларига ва фотосинтезнинг юқори маҳсулдорлиги шартларини қондирмоқликка (биринчи навбатда карбонат ангидрид газига бўлган талабни қондирмоқликка) асосланган бўлиши керак.

Кейинги йилларда сугориладиган тупроқларда гумус моддасининг камайиб кетиши кузатилмоқда озиқа элементларнинг асосий қисми ўсимлик биомассаси билан олиб чиқиб кетилмоқда ва тупроққа қайтариладиган ёки сунъий ўғит сифатида бериладиган миқдори сезиларли даражада кам. Натижада сугориладиган тупроқлар камбағаллашиб кетган, уларнинг физикавий, кимёвий хусусиятлари ёмонлашган.

Агроэкосистемаларда энергетик баланси, моддалар ҳамда намлик балансларини ижобий кўрсаткичга қўтариш учун ёки

мўътадиллаштириш учун тупроқда, бизнингча органик модда йиғилишини кўпайтириш, бошқача айтганда тупроқнинг кимёвий ҳолини оптималлаштириш зарур.

Тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш ва оширишнинг асосий омилларидан бири - қишлоқ хўжалиги экинларини тупроқ экология мелиоратив шароитини, уларнинг хосса-хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳамда табақалаштириб жойлаштиришдир. Юқоридаги вазифаларни бажариш ишнинг асосини ташкил этадиган тупроқ бонитировкаси (сифат баҳоси) асосида олиб борилишини тақозо этади.

Келгусида юқорида келтирилган камчиликларга йўл қўймаслик мақсадида, ер ресурсларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш борасида давлат назоратини олиб бориш билан бир қаторда илмий тадқиқот ишлари тўғри ва самарали режалаштирилиб олиб борилиши, олинган маълумотлар ҳудуд ерларини камчиликларини бартараф қилиш ва қишлоқ хўжалигида самарали фойдаланиш мақсадларини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

II-БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

(Масаланинг ҳозирги даврдаги урганилганлик ҳолати)

Тупрокдаги органик колдикларнинг тухтовсиз равишда чириши, парчаланиши ва қайта синтеzlаниши натижасида органик моддаларнинг тупланиб, камайиб ҳамда янгиланиб бориши кузатилади.

Кейинги вақтларда тупрокдаги органик моддаларнинг кимёвий тадқиқ этилиши уларни икки гуруҳга ажратиш имконини беради:

Биринчи гуруҳга усимлик ва хайвон колдиклари куп микдорда булган бирикмалар киради. Булар, оксил моддалар (протеинлар), карбон сувлари, ёғлар, лигнин, смола, мум, ошловчи моддалар ва органик кислоталар. Бу бирикмалар тупрок органик кисмининг нисбатан кам микдорини ташкил этади (10-18%ини).

Иккинчи гуруҳ органик бирикмалар – гумус моддаларидан иборат булиб, улар тупрок органик моддасининг асосий кисмини (85-90%ини) ташкил этади. Булар гумин-кислоталари, фульвокислотлар уз навбатида тупрок минерал кисми билан боғланганлик даражасига караб бир нечта фракцияларга ажратилади. Тупрокда гумус моддаси ҳосил булишида гумин кислоталари муҳим ҳисобланади.

Тупрок органик моддаларини урганиш буйича рус тадқиқотчилари мактабининг асосчиси булган И.В.Тюрин шундай ҳисоблайдики тупрокдаги гумус микдори билан тупрок шаклидаги органик моддаларнинг узаро таъсири ва уларнинг минерал моддаларигача парчаланиши бирламчи минералларининг нураши, тупрокнинг сингдирувчанлик ҳоссаси, структурасининг шаклланиши кабилардан бошлаб, турли типдаги тупрокларга ҳос кесимларининг пайдо булиши генетик сатҳларига булиниши каби мураккаб жараёнларга боғлиқдир.

XX асрнинг 30-йилларида С.А.Ваксман (1932 й), Welte E(1955) Kumada K(1958), Schnitzer M. (1969), ва И.В.Тюрин (1937 й)ларнинг услублари кенг кулланилди. Бу услублар асосида тупрок органик моддаларнинг микроорганизмлар таъсирида нисбатан тез парчаланиши

хусусиятига эга, уларни ҳаракатчан (кузгалувчан)гуруҳини ажратиш принципи ётади.

Бу маълумотлардан Н.Т.Ремезов (1933 й), И.В.Тюрин (1937, 1965 й) ва бошқалар уз тадқиқотлари натижаларидан тупроқлар классификацияси ва генезиси жараёнларининг курсаткичлари сифатида фойдаланганлар И.В.Тюрин (1937), Ф.К.Воробьёв (1940, 1950), М.М.Кононова (1944), В.В.Пономарова (1957 й), Л.Н.Александрова (1962, 1970 й), Jenkinson D.S.(1965), Flaig W(1966), Armand R.J., Paul E.A(1974), , Anderson D.V., Russell D.B., (1990) ва бошқалар эса услуб натижаларини асосан тупроқ унумдорлигини баҳолашда кулладилар.

Юкорида курсатилган барча тадқиқотчилар органик моддалар ҳаракатчанлиги унинг таркиби ва тупроқнинг маданий ҳолатига боглиқ деган ҳулосага келганлар.

Марказий Осиё тупроқларидаги гумус моддаларни урганиш ишларини Ф.Ю.Гельцер (1937, 1943), Н.И.Синягин (1939), П.Н.Костычев (1940), М.М.Кононова (1940, 1944), Н.П.Ремезов (1945, 1952), А.Н.Розанов (1951), А.П.Белякова (1957), Е.П.Лагунова (1958), Н.С.Козлова (1966), Н.Н.Илловайская (1959) ва бошқалар олиб бордилар.

Н.И.Синягин (1939) лалми ва сугориладиган буз тупроқлардаги гумуснинг сифат таркибини аниқлаш устида иш олиб боради.

Унинг маълумотларига кура гумус таркибидаги клетчатка йук гемицеллюлозанинг куп микдори мавжуд. Тупроқ протеинлари лалмикор буз тупроқларда куп булиб углерод буйича 42%ни ташкил этади.

Буз тупроқларда гумус моддаларининг алоҳида протеин хоссаси ҳақидаги илк бор айтилган фикр П.Н.Костычевга тегишлидир (1940 й). Унинг таъкидлашича, буз тупроқлардаги органик моддалар деярли бутунлай бактерия ва микроорганизмлардан ташкил топган. П.Н.Костычевнинг фикри Н.П.Ремезов (1945 й) маълумотлари билан тасдиқланган. Ушбу тупроқда целлюлозанинг бутунлай йуклиги ва протеинларнинг гумус комплексидан ортик эканлигини аниқланган.

Н.П.Ремезов (1945 й) буз тупроклардаги органик моддалар тупрок хосил булишининг узига хос шарт-шароитларни боглик эканлигини тушунтиради. Барча намуналарда целлюлоза ва клетчатканинг йуклиги, бу эса тупрокларга тушаётган жонсиз органик моддаларнинг жуда тез парчаланишини курсатади. Тупрок протеинлари гурухининг лигнин-гумус комплексидан ортиклиги П.Н.Костычевнинг (1940) буз тупрокдаги органик моддалар асосан бактериялар танасидан таркиб топади деган фикрини тасдиклайди.

Лигнин – гумус комплексининг куп микдорда булинишини Н.П.Ремезов буз тупрокларнинг сингдирувчанлик хоссасининг пастлиги билан тушунтиради.

А.Н.Розанов (1951) маълумотларига кура, буз тупроклар гумусининг сифат таркиби буйича алохида гурухга ажратилади. Тадкикотчи буз тупроклар гумусининг асосий таркибий кисми протеин типидagi азотга бой бирикмалар жанлигини аниклайди; уларнинг микдори 30-40%га етади, лигнин эса 25-30%ни ташкил этади. Буз тупроклар гумуси протеин таркибининг афзаллиги шундаки, уларда азот купдир.

Б.П.Мачигин (1952) Урта Осиёнинг тупрокларидаги гумуснинг гурухий таркибини урганиб, шуни аникладики, умумий гумус микдорининг купайиши билан барча табакаларнинг абсолют (мутлок) микдори ушиб боради, тупрокнинг минерал кисми билан (мустакил) мустахкам богланмаганлик кузатилади. Купрок гумин кислотанинг энг куп микдори утлоки-боткок тупроклардан умумий углероднинг 75,4% гача фульво кислоталарнинг 16,9 % гача ажралиб чикади. Гумин кислоталарнинг фульвокислоталарга нисбати оч тусли буз тупроклардан (0,62% гор 0-30 см) утлоки-боткок тупрокларгача ортиб борди. (4,69% гор 0-30 см).

Умуман лалмикор ва обикор буз тупроклардаги гумус хосил булиш жараёнлари учун, гуминлар табакалари куринишдаги кийин эрувчи органик моддаларнинг тупланиши характерлидир. Гумуснинг бу кисми унинг умумий

таркибининг 50-55% ташкил этади. Гумин кислоталар улуши 30-50%, фульвокислоталар эса 20-25% ни ташкил этади.

Шундан келиб чикиб, буз тупроклар гумуси, бир томондан кам кузгалувчан «Гумин» шакллари бошка томонидан тупрокнинг минерал кисми билан буш богланган органик моддалардан ташкил топганлиги аникланди. Гумин ва фульвокислоталар биринчи навбатда Ca^{++} билан боглангандир.

Тожикистонда шундай тадқиқотлар Л.П.Белякова (1957) томонидан олиб борилган. У Вахш водийсидаги қадимдан сугориб ва экин экиб келинаётган тупроклар гумусини урганди.

Унинг тадқиқотларига асосан, бу водий сугориладиган тупроклари, айни шу хусусияти билан утлоки ва буз тупроклар уртасида гидроморфлиги билан оралик урин эгаллаши аникланди. Бу тупроклар гумус таркибидаги фульвокислоталар микдори гумин кислоталаридан кура $C_{гк}:C_{фк}$ га нисбати буйича кам; яъни $C_{гк}:C_{фк}$ -1,2-1,9 орасидадир.

Копетдоғ тоғ олди текислиги тупроклари гумус микдори ($C_{гк}:C_{фк}$) микдорий таркибининг узгариши қонуниятлари В.В.Пономарёва томонидан урганилган (1957). У «Тупрок ҳосил бўлиш типлари деярли гумус ҳосил бўлиши демакдир» деб ҳисобланди. Қора тупроқлардан саҳро томонга қараб минералланишнинг кучайиши оқибатида гумуснинг тупланиши камайиб усимликларнинг оҳаксимон қолдиқлари биринчи навбатда қарбонларнинг тупланиши қуринишида ортиб бори. В.В.Пономарёва томонидан фульвокислоталарининг электрод анализида пергамент орқали анод камерасига утадиган қуйи молекуляр фракцияси ажратиб олинди. Бу кислоталар таркибидаги углероднинг қамлиги билан ажралиб турадики, бу уларнинг қимёвий структураси оддийлигидан дарак беради. Шунга кура деб ҳисоблайди, В.В.Пономарёва (1962) гумус кислоталарининг оддий тузилиши учун Ca^{++} билан боғланиши характерли эмас: тупроқлардан фульвокислоталар ажралишининг қийинлиги, уларнинг қимёвий жихатидан фаол эканлигидан дарак беради. Шу билан бирга тоғ ва тоғ урмон

тупрокларидаги гумин кислоталари паст даражада оптик зичликка эга, бу эса уларнинг молекулаларида углероднинг хушбой ядролар турининг кучсиз конденцияланишидан дарак беради.

Н.Н.Илловойская (1959) томонидан гумин кислоталар гурухининг фульвокислоталардан ортиклиги ва гуматларнинг юкори оптик зичлигига эга булган тук жигарранг тупроклар алохида ажратиб курсатилди.

Шу билан улар Тожикистоннинг бошка тупрокларидан ажралиб туради. Унинг шунингдек, Ю.А.Акромовнинг маълумотларига кура (1965) Жанубий Тожикистоннинг типик жигарранг тупроклари гумус таркибида фульвокислоталар купрок булади ва $C_{гк}:C_{фк}$ нисбати 0,8 га тенг.

Илк бор Ю.А.Акромов(1971,1975,1987) томонидан Тожикистон тупрокларининг вертикал минтакаларида азот ва азот органик моддаларнинг тупланиши генетик конуниятлари аникланди ва тавсиф этилди.

Чул зонаси тупрокларининг табиати ва сифат таркиби Н.И.Емельянов (1956), Е.В.Лобова (1960) И.А.Ассинг (1960), И.А.Зиямухамедов (1968, 1970), М.П.Аранбаев (1969) томонидан урганилган. Гумус микдорининг камлиги ва юкори даражада карбонатлашганлиги туфайли, чул зонаси тупрокларининг органик моддалари кам.

Емельянов Н.И. (1956) маълумотларига кура буз кунгир тупроклар гумин кислоталарининг оптик зичлиги пастдир.

У уз таджикотларида И.В.Тюрин томонидан тавсифланган тупрок гумусининг сифат таркиби узгаришини географик конуниятлари +озогистон тупрокларида аник сезилишини курсатади.

Лобова Е.В. (1960) буз кунгир тупроклар таркиби фульвокислоталарнинг нисбати энг куп микдори 40-50% га етишини аниклади.

И.А.Ассинг (1960) маълумотларига кура гумус микдори тог олди оч тусли буз тупрокларидан баланд тог тупрокларигача олиб беради.

Бундай тупрок бошка тупроклардан шу хусусияти туфайли кескин фарк килсада 50-60% яъни кора тупроклардагига нисбатан турт марта

ортиқдир. Бу шуни курсатадики буз тупроклардаги гумус хосил булиш жараёнлари гумус кислоталарнинг гуминлари хосил булиши билан конденсацияланишига боғлиқ.

Бундай ҳолат тупрокдаги гумус балансининг барқарорлашувида ижобий таъсирга эга. Буз тупрокларда тупрок хосил булишдаги $C_{гк}:C_{фк}$ нисбати паст булиб 0,7 атрофида, $C_{гк}:C_{фк}$ нисбати барқарордир ва 0,1-0,5 билан чегараланади, бу эса гумус хосил булишида, куп кисми Ca^{++} билан боғлиқ булган гумуснинг барқарор формалари хосил булишини билдиради.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, буз тупроклардаги органик колдикларнинг узгариш характерида иккита жараён ажратилди:

1. Фульвокислота типдаги оддий маҳсулотларнинг хосил булиши ва органик моддаларнинг минераллашуви;

2. Иккинчиси уз навбатида кесимнинг шаклланишда ва буз тупроклар хоссаларини аниқлашда нафакат гумус моддалари балки усимликларнинг оҳақли колдиклари ҳам катта аҳамият касб этади. И.А.Зиямухамедовнинг (1968, 1970, 1975) ишлари Ўзбекистон шароитида кам урганилган сугориш ва маданийлаштириш гумус хосил булишининг узгаришлари муаммосига бағишланган.

Ўзбекистондаги асосий кишлок хужалик экин тури булган гузага турли даражадаги органик, минерал угитлар бериш билан боғлиқ сугориладиган дехкончилик ҳамда турли даражадаги агротехниканинг кулланилиши маълумки маданийлаштириш даражалари буйича тупрокнинг хусусиятига таъсир каттадир.

Тадқиқотчининг ҳулосаларига кура узлуксиз сугориладиган дехкончилик оқибатида тупрокнинг таркиби ва органик моддалар хоссалари сезиларли узгаришларга учрайди. Бу жараёнларга маданийлаштиришнинг турли усуллари жумладан угит солиш, экинларнинг алмашинуви ва хоказолар катта таъсир курсатади.

Доимий равишда гуза етиштириш, гумус таркибидаги гумин кислоталар гурухининг камайишига олиб келди.

Минерал угитларнинг изчил равишда солиниши ва беда экинлари билан алмашлаб экишнинг кулланилиши гумин кислоталарнинг тулланиб бориши ва ҳамда фульвокислоталарнинг камайишига олиб келди. Шу тарзда И.А.Зиямухамедов $C_{гк}:C_{фк}$ нисбати тупрокни маданийлаштиришнинг диагностик белгиси булиб, хизмат килиш мумкин деган хулосага келган.

Д.Рахимова (1974) Ўзбекистонда буз тупрокларнинг кишлоқ хужалигида фойдаланишга боглик курик, лалми ва сугориладиган турларининг гумус профили ва гумуснинг фракцион таркибининг узгаришлари буйича махсус тадқиқотлар олиб борди. Тадқиқотнинг ишларида Ўзбекистон буз тупрок минтақасига хос тупроklar гумус микдорининг камлиги билан тавсифланиши курсатиб берилди. Чуқурлашган сари янада камайди. Буз тупрокка хос типларнинг барчасида гумуснинг энг куп микдори гумус аккумулятив катламдадир, курик тупроklarда чимли катламларда маданийлаштирилган тупроklarда эса хайдалганда кузатилган.

С.Сиддиқов (1987), Т.Х.Ходжиев (1987), Д.С.Камилова (1991), Д.Х.Турсунова (1991), М.Ю.Туйчиев (1995) лар тупроklarни тадқиқ қилиб, гумуснинг микдори ва сифатининг агротехникага богликлгини аниқладилар. Улар томонидан, гумуснинг микдор ва сифат курсаткичлари пахта монокультурасида кескин пасайиш беда экинлари билан алмашинуви натижасида кутарилиши бундан ташқари эркин гумин кислоталарнинг маълум даражада ошиши кузатилиш аниқланди.

Янги узлаштиришлар тупроklarда курик ерлар билан таккосланганда эркин гумин ва фульвокислоталарнинг камайиши юз беради. Беда экинлари етиштирилган тупроklarда бу камайган.

А.К.Куришбаев (1989, 1997) тоғ олди текислиги тупроklarнинг гумус холатини урганиб сугорма, дехкончиликда узок муддатли фойдаланишдан кейин ернинг хайдалган катламида гумуси камайиб кетиши ҳамда унинг қуйи катламларга йигилишини ва сугориш оқибатида биринчи навбатда гумуснинг олд фракцияси минераллашувини аниқлади.

У шунингдек тупрок гумусининг купрок огир кумокли ва майда заррали (30-31%) фракцияларда мустахкамланишини аниқлайди. сугориш оқибатида гумуснинг йуқолиши, унинг таркибидаги йирик ва уртача чанг зарраларининг камайиши ҳисобига бўлади, айни вақтда гумин кислоталар кузгалувчан гумус моддаларнинг ҳиссалари ортиб борди ва коллоид гумус фаоллашди. Сугориладиган тупроқлар гумин кислоталарнинг молекулалари курик ерларникига таккосланганда соддарок тузилишига эгадир. А.К.Куришбаев тупроқлардаги гумуснинг етарли баланси, донли ва беда экинларининг алмашинувида сакланиб қолишини, доимий равишда канд лавлаги ва маккажухори етиштириш оқибатида пассив гумус микдорининг камайиши ва фаол гумуснинг ортиб боришини исботлайди. Минерал уғитлар коллоид гумуснинг фаоллашувига сабаб бўлади.

Х.М.Махсудовнинг (1981,1989), Л.А.Гафурова (1995,1999) тадқиқотлари курсатадики, эрозияга учраган буз тупроқларда ювилишнинг ортиб бориши билан кальций ва магний яқин нисбати ва гумуснинг ҳамда юпка дисперс фракцияларининг йуқолиши билан характерланувчи қуйи катламларининг юқорига яқинлашуви оқибатида ютилган катионларнинг жамланмаси камайиб боради.

Д.А.Атабекова (1990) томонидан турли даражада эрозияга учраган курик лалмикор ва сугориладиган типик буз тупроқларда органик моддаларни саклаб қолиш ва бойитиш муаммолари куриб чиқилиб, гумус таркиби ва сифатига органик уғитлар ва куп йиллик ут усимликларининг таъсири аниқлаб курсатилади. У эрозия таъсирида гумуснинг узғариши ва ювилганлик даражаларига боғлиқ равишда гумуснинг камайиши 25% дан 53% гача етишни аниқлади.

М.М.Ташкузиев ва унинг шогирдлари (1973, 1987, 1990, 1993, 1996,2006) олиб борган куп йиллик тадқиқотлар натижасида Ўзбекистон тупроқларининг асосий типларидаги кимёвий, жумладан чиринди ҳолатини баҳолаш юзасидан бир қатор назарий қоидалари ишлаб чиқилди.

М.М.Ташкузиев (2006) чиринди таркиби ва микдорининг чиринди хосил булишининг йуналишларини, органик моддаларнинг фракциявий-гурухий таркибини узгаришини ва чиринди моддаларининг гранулометрик таркибига боглик харакатчанлик алокаларини, агрошароитни (агрофон), сугориш даврини ва маданийлаштириш даражаларини урганиб, тупрок унумдорлигини бахолашда бевосита ахамиятга эга булган узгарувчан (бекарор) лабил чиринди моддаларини аниклади. Самарали тупрокларнинг чиринди холатини самарали дехкончиликдаги инсон омили таъсирида узгариш даврларини башорат килишга имкон берадиган масалалар ечимига асос солди.

М.М.Ташкузиевнинг (1996,2006) ёзишича, гумус моддаларининг тупрок минерал кисмлари билан узаро алокадорлиги ва шакллари урганиш, тупрок хосил булиш йуналишини ва унумдорлик жараёнларининг ривожланишини аниклашга имкон беради. Тупроклардаги чиринди моддаларининг табиати, таркиби ва шаклланиш конуниятларини хамда уларнинг гранулометрик фракциялардаги органик моддаларнинг аккумуляция характерини ва уларнинг кузгалувчанлигини тушунишга имкон беради.

М.Фахрутдинова (1990, 1998) Туркистон тизмасининг шимолий ёнбагридаги тупрокларни урганиб, турли рельеф элементлари ва турли усимлик катлами остида чиринди хосил булиш конуниятларини аниклади. Тог тупроклари асосий типларининг чиринди таркибига тавсиф берди. У тадқиқ килинган тупроклар чиринди холати конуниятларини урганди; табиий шароитларда чириндининг тупрокда купаяди, узлаштириш окибатида камаяди, чиринди микдори ер сиртки биомассасига боглик. Чиринди таркибидаги гумин кислоталарнинг ортиклиги узи ёзганидек, «Халк боги тупрогининг алохида ва энг яхши хоссаси, чунки гумин уислоталар азот ва кальций билан бойиган булиб, сувга чидамлиги агрегатларнинг хосил булишига имкон беради. Тупрокнинг бундай хусусиятлари тупроклар табиий унумдорлик салохиятидан дарак беради». Муаллиф шуни аникладики, гумин

кислоталар 1 фракцияда ортиқдир. Бу фракция кузгалувчан бир ярим даражали окислар билан боғланган, бу факат чидамли катламга хос бўлиб, кесим тубига қараб бу фракция ҳиссаси кескин камаяди. +уйи катламларда кальций билан 2 фракция устунлик қилади, 3 фракциянинг ҳиссаси эса кесим чуқурлиги ортгани сари камаяди. Бунинг сабаби карбонатлар микдорининг кесим тубига томон қулайиб боришидир. Тог тупроқ турлари чиринди ҳолатини урганар экан тадқиқотчи қуйидаги ҳулосаларга қеладики, урганилган тупроқларда чиринди ҳосил бўлиши ва органик моддалар даражалари жихатдан қора тупроқларнинг биологик фаоллигига боғлиқ ҳолда икки тартибда устунлик қилади: +узгалувчан гумин уислоталар микдорига қара 1-даражанинг уртача ҳолатда Ca^{++} билан боғлиқ гумин кислоталар бўйича 1-даражанинг қуйи уринда; мустақкам боғланган гумин кислоталар бўйича юқори уринда; шу қалан бирга чиринди микдори, чиринди ҳосил бўлиш самарадорлиги, бошқа ҳоссалар рельеф шароити, намлик режими ва усимлик қопламанинг турларига боғлиқ.

Н.Б.Раупова (2004-2010й) Гумус кесимининг **ҳосил** бўлиш жараёни, гумус микдори шунингдек, унинг сифат таркибини тупроқ ҳосил бўлиш жараёнига бевосита боғлиқ бўлгани ҳолда аниқ зоналарга эга эканлиги, бунда улар тупроқ ҳосил бўлиши билан бирга гумус ҳосил бўлиши ҳар бир типнинг энг муҳим томонларини ташкил қилишини таъкидлади. Тадқиқотчи тупроқ ҳосил бўлиши жараёнларида эрозия, тупроқнинг ёнбағир экспозицияси ва элементларига боғлиқ бўлган дифференциясини юзага қелтиради. Жанубий ёнбағирларидан қамроқ ва яхши агрономик ҳусусиятлари билан ҳарактерланади. Жанубий ёнбағирларда эса аксинча ювилиши оқибатида ёнбағирларда генетик катламлар қуввати гумус рангқаниши, чуқурлиги қамайган, қорбонатлар юза сатҳига яқинлашди, гумус ва озик элементлар танқислиги юзага қелди, намлик микдори қискаради. Ёнбағирнинг урта қисми тупроқларининг сув айирғич ва шлейф тупроқларидан гумус моддаларининг таркиби ва табиати билан фарқ қилишини бу тупроқлар

гумус моддаларининг кимёвий «етукликка» етмаганлигини курсатади. Бунинг сабаби эса эрозия жараёнларнинг аниқ ифодаланмаганлигидир. Айни конуният жанубий ёнбагирлар тупроклари гумин кислоталарининг табиати ва гумус таркибида шимолий экспозицияга такосланганда намоён булишини айтди. Шунингдек эрозияга учраган тупроклар гумус кесимининг юкори қисмида гумат-фульватли, қуйида фульватли барқарор, гумуснинг нафол қисми бўлган «гумин» деб аталувчи қийин эрийдиган органик модданинг қўп микдорда эканлиги билан характерланади. Гумус гидролизланувчи моддаларнинг фол қисмида фульво кислоталар гумин кислоталардан устунлик қилади, Сгк:Сфк нисбати яқинлашади.

Республика турли минтақалари тупрокларида гумус микдори турлича бўлиб, у шу тупроқларнинг қелиб қиқиши, тупроқ–иклим шароити, қўрик ерларни узлаштирилиб лалмикор ва сугориладиган дехқончиликда қўйдаланилиши, унинг муддати ва агротехник усуллар, дехқончилик маданияти қабир қатор омилларга боглиқдир.

Олимларнинг фикрича тупроқ унумдорлигини қакат тупроқнинг маълум қатламларидаги гумус захиралари билан боглаб бақолашни етарли эмас деб ҳисоблайдилар. Тупроқдаги органик модданинг лабил бирикмалари микдорини унинг гумус ҳолатини урганиш асосида аниқлаш муҳимдир, чунки бунда гумус таркибидаги азот микдори ва органик модданинг узига ҳос бўлмаган қисмлари ҳисобга олинади. Лекин бундай натижаларни олиш учун тупроқда жуда мураккаб таҳлил ишлари бақарилиши лозим, бу эса қатта меҳнат талаб этади. Шунинг учун ҳам гумус моддаларининг ҳаракатчан (лабил) шаклини бизнинг тупроқлар учун аниқлашнинг тезқор усулларини топиш ва уларни экинлар ҳосилдорлиги билан коррелятив боглиқлигини қўрсатиб бериш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масала бўлиб, у орқали тупроқларни гумус ҳолатига боглиқ ҳолда унумдорлигини белгилашда қўйдаланиш мумкин бўлади. (М.М Ташқузиёв, 2006)

II-БОБ. ТАДҚИҚОТНИ БАЖАРИШ ШАРОИТИ ВА УСЛУБИ.

2.1. ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИНИНГ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИ.

2.1.1. Литологик-геологик шароитлари.

Тупроқ ҳосил қилувчи жинсларни ҳисобга олиш, тупроқшунослар эътиборини ҳудуднинг геологик тузилишига қаратади. Маълумки, Ўзбекистоннинг тоғ, тоғ олди ва текислик ҳудудлари геологик нуқтаи назаридан анча ёш ҳисобланади. Тоғлар учламчи давр охири ва тўртламчи давр бошида Альп орогенезининг кучли тектоник ҳаракатлари жарёнида кўтарилган.

Учламчи даврда сув бутун Республика ҳудудини қоплаб олиб, фақат Нурота-Туркистон ва Чотқол - Курама тоғлари ороллар шаклида кўриниб турган.

Эоценда бошланиб, учламчи давр охиригача давом этган учламчи давр денгиз трасгрессияси, ҳозирги Турон провинциясининг катта қисмини қамраб олди ва ўзидан «учламчи давр» олачипорлари деган умумий ном билан аталувчи қалин ётқизиклар катталигини қолдиради.

Шундай қилиб, учламчи давр охирида тоғ ҳосил бўлишининг иккинчи эволюцияси бошланади, Помир - Олойнинг жанубидан ҳозирги тоғ тизмалари юзага келади ва Тянь-Шаньда радикал-вертикал кўчиши рўй беради, денгиз шороити бутунлай йўқолади фақат қуришга маълум бир қанча берк сув хавзалари, кўллар қолади.

Учламчи давр неоген ётқизикларини ўрганишга З.Ф.Гориздро-Кульчицкая (1925), Н.И.Кудрявцев (1932), Н.П.Васильковский (1942;1952) В.И.Попов(1932),Н.Е.Минакова(1941),М.П.Корсаков(1948),С.Х.Миркамалова (1958,1973) ва бошқаларнинг тадқиқотлари бағишланган.

Тошкент олди районида учламчи давр ётқизиклари синклиналларга тегишли, лекин майдоннинг бурмали структуралар (тузилмалар) жуда чуқурликда жойлашган жанубий қисмида неоген ётқизиклари брахинатиклиналларнинг турли куббаларида ер сатҳида кўринган ҳолда

сидиргасига тарқалган. Уларнинг кенг тарқалганлиги Тошкент олди районида ўтказилган минтақавий геологик тадқиқотлар пайтидаёқ аниқланган эди.

Геолог олимлар (З.Ф.Гориздро-Кулчицкая 1925; Н.П. Васильковский 1942; А.С.Аделунг 1937; М.П.Корсаков 1948; В.И.Попов 1954;) лар юқори учламчи давр ётқизикларнинг бутун қатлами ер устки шакллари хосил қилишни айтдилар. Уларнинг шакилланиши, Ўрта Осиёнинг замонавий чўл ва чалачўл иқлимига яқин бўлган, кескин континентал қурғоқчил иқлим шароитларида юз берган бўлиши мумкин. Буни жинсларнинг қизгиш ранг, гипс қатламининг мавжудлиги ва бошқадан бўлиш мумкин.

Учламчи давр ётқизикларининг юзага чиқиши Ўзбекистон ташқарида тоғ олди худудлари ва қолдиқ тоғли платоларда катта майдонларини эгаллайди. Неогенга хос конгломератлар, кумлоқлар, ва мергеллар кўп тарқалган.

Тадқиқот ўтказиладиган минтақада конгломерат ва кумлоқларда чўкиб қолган гилли қизгиш рангли ётқизиклар комплекслари топилган. Гиллар зич жойлашганлиги, сув ўтказувчилик даражасининг пастлиги карбонлашганлиги, гипслашганлиги ва шўрланганлиги билан характерлидир.

2.1.2. Рельеф.

Тадқиқот олиб борилган минтақа Чирчиқ дарёсининг ўрта оқимидаги 4-чи оқизик усти террасида жойлашган.

Рельеф умумий гарбий қияликка эга тўлқинсимон тоғ олди текислиги кўринишига эга. Мезорельеф қия тепаликлар, шарқдан гарбга чузилган паст тепаликлардан иборат. Қия тепаликлар ясси ёнбагирлар ва ясси чўққилардан иборат. Баъзан қия тепаликлар чўққилари текисланиб кетган ва кичикрок чузиқ платоларга ўхшаб кетади. Қия тепаликларнинг баландлиги ўртача 50 метрдан ошмайди. Қия тепаликларнинг шарқдан гарбга чўзилгани туфайли қияликлар нотўғри сугориш ва худуднинг асосий таркиби бўлган лёссли грунтлар эрозион жараёнларини тезлаштиради.

2.1.3. Гидрогеологик шароитлари.

Худуднинг табиий равишда ер ости сувсизланиши кучсиз бўлиб, гил тупроқнинг зич жойлашиши асосий тупроқ ҳосил қилувчи жинс сифатида ўрин эгаллаш билан тавсифланади. Грунт сувлари чўкма тўпланиши маҳсулотнинг катламида анча қуйи ярусдаги шагалли катламида 10м дан чуқурда йигилади.

Грунт сувларининг асосий манбалари Қоржантов тизмаси томонидаги юқорига жойлашган худудлари сув оқимлари қисман каналлар ва далаларнинг оқова сувларининг тўйинишида атмосфера ёгинларининг аҳамияти кам бўлиб, фақат киш ва бахорги мавсумларда кам миқдордаги ёгингарчиликлардан сув олади. Сарфланиш жихатлари асосан сув бугланишлари, транспирация сувнинг коллектор турлари ва ўзанларига ташланишлари ҳисобланади.

2.1.4. Иқлим

Учламчи даврнинг иқлим шароити учламчи давр қизгиш рангли ётқизиқлари ва тупроқларнинг ривожланишига шароит яратади. Уларнинг ҳосил бўлишида асосий ролни қуйидаги механизмлари ўйнаган бўлиши мумкин.

- а) Нам мавсум давомида темир моддасининг ажралиши ва гидролиз
- б) Органик моддаларнинг минераллашуви ва темирнинг қуруқ мавсум давомида бириктириб олиниши
- в) Бу жараённинг ўрин алмашинуви охирги натижани белгилайди.
- г) Ўсимлик дунёсининг ривожланиши, гидролизнинг жадаллашуви ва харорат режими, намлик мавсумининг давомийлигига боглиқ холда темир моддасининг ажралиб чиқиши.
- д) Қуруқ мавсумининг давомийлигига боглиқ холда органик материалнинг парчаланиши ва тупроқнинг қизгиш рангга кириши (С.В.Зонн1974).

Ўрганилган худуд учламчи давр иқлим хусусиятларининг тавсифи палео иқлимшуносларининг ишларида берилган.

Олимлар томонидан, палеоцен охирида иқлимнинг гумидлашганлиги аниқланган. Бу иқлимнинг қиши ва баҳорги ярим йилликка боғлиқлиги натижасидир. Ўрганилган ҳудуд шимолий ярим шарининг субтропик иқлим минтақасидадир. Ҳудуднинг материк игкараси чўл зоналаридаги географик ўрни, денгиз ва океанлардан минглаб километр узоқлиги ва орографик тузилиши хусусиятлари иқлим ҳосил бўлишининг асосини ташкил этади.

Объект Чирчиқ ва Бука дарёлари хавзасида бўлиб Тянь-Шаньнинг гарбий тоғолди ҳудудини эгаллайди.

Гарбдан келадиган нам ҳаво массалари учун очиқлиги ва шимоли-гарбдан келадиган совуқ ҳаво массаларининг кириб келиши, Ўрта-Осиё давлатларининг январининг ўртача манфий ва июлнинг ўртача мусбат хароратлари ҳамда бошқа термик ресурслари билан тавсифланади.

Хавонинг ўртача йиллик харорати $+13$ сн ташкил этади, энг иссиқ ойнинг ойлик ўртача хароратлари $+26$ С $-27,4$ С, энг совуқ $-0,6\backslash 1,4$ С. Баъзи йилларда максимум харорат $+44$ С, мутлоқ манфий -29 С ни ташкил этганлиги маълум.

Йиллик ёгин миқдори 432-377 мм, кўп қисми совуқ ярим йилликкада тушади-316-245 мм, ёки йиллик ёгиннинг 73-65%и тушади. Энг кўп миқдори баҳорги мавсумда ёғиб, максимум ёгин март ойида тушади.

Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги 1,6 м/сек. Энг юқори даража 26м/сек. Кучли шамол эсадиган куплар -9, чанг буронли кунлари 5кун. Кучли шамол ҳаракатлари кучли ривожланган район ҳисоблаш керак булади.

Умуман, ўрганилётган ҳудуд иқлим шароити қишлоқ хўжалик экинларининг районлаштирилган навларини етиштиришга, лалмикор ва обикор дехкончиликни олиб боришга имкон яратди. Лекин ноқулай табиий омиллар ҳам мавжуд. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин. Шамоллар фаолиятининг тезлиги, баҳор мавсумидаги кучли жала - ёмғирлар ва дулларнинг тушиши, кеч баҳор пайтларида тез-тез бўлиб турадиган аёзлар, сутка давомида хароратининг 10-12 даража фарқ билан тебраниши.

Бу ёзги мавсумда тупроқларнинг юқори қатламларининг ўзгаришига олиб келади.

2.1.5. Ўсимлик қоплами

Тадқиқотчилар томонидан чипор ранг қатламлар адир зонасида кенг тарқалганлиги ва уларнинг петрографик жихатдан ранг-баранглиги, охактош кум тош, гилларнинг учраши баъзи жойлари гипсланганлиги ва шўрланганлиги аниқланган. Қизгиш рангни пайдо бўлиши ва ўсимлик қопламининг йўқолишини улар мўътадил нам иқлимнинг қуруқ чўл иқлимига томон кескин ўзгариш билан тушунтиради. Е.П.Коровин (1962) бўйича, тоғ олди текисликларининг эфемер ва эфемероидларнинг ўзига хос жамоаларидан иборат. Асос қўнгирбош ковракк каби ўсимликлар кенг тарқалган бўлиб, эрта баҳорда барқ уриб ўсади. Фаол ривожланиш даври қисқа. Фитомассанинг захираси катта эмас. 30-50ц\га атрофида бўлиб, унинг 80-90% ни ўсимликларларнинг ер ости органлари ташкил этади. Биомассасининг катта қисми ҳар йили қуриб қолади ва органик моддалар яралиши учун манба бўлади. Шу билан бирга тупроқ микрофлораси ва фитомассанинг тупроқ усти захирасининг юқори даражадаги фаоллиги туфайли жадал минерализация жараёни кузатилади ҳамда сувнинг сизиб ўтиш ходисаси бўлмайди.

Умуман, учламчи давр қизгиш рангли ётқизикларида ҳосил бўлган тупроқлар шундай тавсифланадики, бу ерда барча ўсимликлар паст бўйли ва ер багирлаб ўсади, жуда сийрак, ўрганилган тупроқлар фитомасса захираси лёссимондаги типик бўз тупроқларга нисбатан кам, ҳамда эрозияланиш даражаси ҳамда жинсларининг физик-кимёвий хоссаларига боглиқ бўлади.

Айни вақтда тадқиқ қиланаётган регион жадал ўзлаштирмоқда. Табиий шароитнинг ўзига хос хуссияти атмосфера ёгинлари ахамиятининг пастлиги, грунт сувларининг чуқурда жойлашганлиги ва нихоят намликнинг табиий танқислиги асосан, бугдой етиштиришга мослашган лалмикор, сугориш ишлари йўлга қўйилса гўза етиштиришга мослашган обикор деҳқончиликка имкон яратади.

2.2. ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ.

Тадқиқотлар мақсади –Тошкент вилояти Бука тумани суғориладиган типик буз ва ўтлоки буз тупроқларининг гумус ҳолати урганишдан иборат бўлиб, ушбу мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим :

1. Танланган мавзуга доир адабиётлар тўплаш, уларни ўрганиш.
2. Ўрганилаётган ҳудудни иқлим шароити геоморфологик тузилиши, рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, инсон омили таъсири ва суғориладиган ўтлоки тупроқларнинг морфологик белгиларини ўрганиш.
3. Тупроқнинг умумий физик хоссаларини аниқлаш.
4. Тупроқ агрохимёвий хоссаларини аниқлаш.
5. Тадқиқот услублари.
 1. Тупроқнинг механик таркиби Н.А. Качинский усулида.
 2. Тупроқ гумусининг Тюрин услуби ёрдамида аниқлаш.
 3. Ялли азотни Кьелдаль услуби билан аниқлаш.
 4. Ялли фосфорни Мешеряков услуби билан аниқлаш.
 5. Ялли калий Смит услуби билан аниқлаш.
 6. Солиштира оғирлик пикнометр ёрдами билан аниқлаш.
 7. Ғовакли ҳисоблаш йўли билан аниқлаш.
 8. CO_2 карбонатларни ацидиметрик услубида аниқлаш.
 9. Тупроқ реакцияси рН - потенциометрик услубида аниқлаш.
 - 10.Тупроқ гумусининг гурухий ва фракциявий таркиби Тюрин мадификацияси бўйича Плотникова- Пономарёва услубида.

Ўрганилаётган ҳудуднинг тупроқ қоплам билан танишишда «Уздавергеодезиякадастр» дан тупроқ картографик ва гидрогеологик материалларни олиб ушбу материаллардан фойдаланилди.

Тупроқларни ўрганишда 6 та тупроқ кесмаси олиб, анализ учун намуналар олинди. Тупроқнинг хажм оғирлиги 117,2 см 3 хажмли цилиндр ёрдамида аниқланади. Тупроқларнинг морфологик курсаткичларини таҳлил қилинганда Тупроқларнинг намлик даражаси, механик таркиби, Тупроқнинг доналорлиги, зичлиги, янги яралмаларининг CO_2 ва SO_2 гипсларини бошланиш чегараси ва кесма солинган жойнинг табиий ҳамда маданий ўсимликлар ҳолатини тавсифланди. Асосий кесмалардан лаборатория таҳлиллари учун ҳар бир генетик катламларидан тупроқ намуналари олинди.

Кимёвий таҳлиллар, умумий қабул қилинган услублар ёрдамида аниқланади. Дала ва лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотлар, тупроқшунослик илмий текшириш соҳасида кенг қўлланиладиган ва синалган услублар асосида олиб борилди.

Вегетацион тажриба вариантлари.

1 Назорат

2. Гунг -20т\га+ NPK

3. Гунг -20т\га

4. Гунг-40т\га

Келтирилган маълумотлар 2 йиллик дала ва лаборатория тадқиқотлари натижасида олинган, ҳамда ушбу маълумотлар жадвал ва графиклар кўринишида келтирилган.

2.3.ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

2.3.1. Тажриба олиб борилган жойнинг тупроги ва уларнинг тавсифи.

Бўз тупроқлар чўл зонасига туташган денгиз сатҳидан 150-200 м дан бошлаб, тоғ ён бағри 900-1000 м баландликкача бўлган ерларда тарқалган. Бўз тупроқларнинг табиий шароити бир хил эмас.

Бўз тупроқлар худудининг иқлими континентал, куруқ ва иссиқ бўлиб киши анча юмшоқ ва илиқ. Январ ойида ўртача ҳарорат Q_2 дан – 5^0 гача, лекин айрим йиллари совуқ кунлар $-15 - 18^0$ С гача тушади. Ёзи иссиқ, июлда 26 дан 30^0 С гача. Ёгин-сочинлар миқдори жойнинг баландлигига қараб 250-600 мм ни ташкил этади. Чўл яқинидаги тоғолди текисликларида оч тусли бўз тупроқлар ёгинлар миқдори 100-250 мм, тоғли ноҳияларга яқин жойлашган тўқ тусли бўз тупроқлар минтақасида ёгин 450-600 мм ни ташкил этади.

Тупроқшунос олимлар А.З.Генусов, Б.В.Горбунов, Кимберг(1960) ларнинг кўп йиллик тадқиқотлари асосида бўз тупроқлар 3 та типга бўлинган – оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлардир.

Биз тажриба олиб борган тупроқлар Тошкент вилояти Бука туманида тарқалган сугориладиган типик бўз тупроқ. Типик бўз тупроқ денгиз сатҳидан 300-500 м айрим тупроқ иқлим шароитларда 800 м баландликкача бўлган тоғ олди текисликларининг қир адирлари, паст тоғларнинг анча баланд қисмидаги майдонларда пайдо бўлади. Бу тупроқлар тарқалган минтақаларда иқлим бироз юмшоқ ва серёгин бўлади. Йиллик ўртача ёгин 300-500 мм ни ташкил этади. Ёгин асосан қиш ва баҳор ойларида ёғади. Унда асосан оч тусли тупроқ худудида ўсадиган эфемер ўсимликлар тўдаси ўсади, шувоқ ўрнига оқ қурай сингари қургоқчилликка чидамли ксерофит кўп йиллик ўсимликлар кенг тарқалган. Ёгин-сочин сувлари тупроқнинг 1,5 м гача бўлган қатламини намлайди. Морфологик тузилиши, генетик қатламлари яхши бўлинган. Гумусли қатлами бирмунча гўнғир рангли,

карбонат қатламлари бирмунча чуқур жойлашган. Типик бўз тупроқларнинг юқориги қатламларида чувалчанглар ва хар хил кўнгизларнинг фаол ҳаракати натижасида говакли қатламлар яхши ифодаланган. Гумус миқдори юқори қаватларида 1,5-2,0 % ни ташкил этади. Гумусли $A+B_1+B_2$ қатламнинг қалинлиги 60-70 см. CO_2 карбонатнинг миқдори оч тусли бўз тупроқларга қараганда юқори қатламларида бироз камроқ бўлсада, лекин ўрта ва остки қатламларида унинг миқдори 9-12% га этади. Майда заррачаларнинг (0,001 мм) миқдори бу тупроқда кўпроқ бўлгани учун тупроқ донаторлиги оч тусли бўз тупроққа қараганда бироз яхши ривожлангандир.

Республикамиз бўйича аниқ бўз тупроқлар майдони 3034 минг га, шундан лалми деҳқончилик қилинадиган ерлар 814 минг га ни ташкил этади.

Сугориладиган типик бўз тупроқлар унумдорлигини тавсифлаш учун биз эрозия таъсирида айниқса кучли ўзгаришга учрайдиган элементлари захиралари, CO_2 , карбонатлар, тупроқ pH_4 муҳити, гранулометрик хусусияти, унумдорлигини ошириш йўллариини ўргандик.

2.3.2.Тупроқ морфологияси.

Сугориладиган тупроқлар юқори қатламларида кулрангли, қуйисида кулранг-қизил рангга киришиши, зичликнинг ортиши кузатилади, чувалчанг капролит йўллари кўп. Механик таркиби –огир қумоқ.

1.Кесма

Типик бўз тупроқ. Тошкент вилояти Бука тумани. Шимолий ёнбагир. Қиялиги $0,5^\circ$ ювилмаган , қуриқ.

0-6 см кулранг қўнгир, пластинкасимон тузилишда, зичлиги кам, соз, огир қумоқ, ўсимлик илдиз ва илдиз қолдиқлари мавжуд, киритмалар йўқ, тузилиши ва зичлик бўйича ўзгариш яхши сезилади.

6-14 см пуштиранг-қўнгир, пластинкасимон, тузилишда, зичлиги кам, намлиги кам огир қумоқ, жуда кўп майда илдизчалари ва алохида йирик илдизлари мавжуд, чувалчанглар йўллари, карбонат ва қумли гипснинг алохида тўплами учрайди, ранг бўйича ўзгариши мўътадил.

14-31-пушти ранг қўнгир жигарранг догли, палахса бўлакли тузилиши, ўртача намликка эга, огир қумоқ, ўсимлик илдизларининг алохида бўлаклари, чувалчанг йўллари, шагалнинг алохида киритмалари (д-0,1-0,6), карбонатларнинг алохида дог ва оқимлари ўзгариш, тузилиши намлик ва карбонатлар миқдоридан аниқ сезилади.

31-59 см пушти ранг қизил жигарранг доглари билан, плахсали тузилишда, ўртача зичликка эга, жуда нам, огир қумоқ, ўсимлик илдизлари мавжуд, карбонат доглари, ўзгариши зичлик бўйича.

59-106 см- қизгиш қўнгиртоб, палахсали тузилиши, зич, нам, огир қумоқ карбонат доглари кўринади.

2.Кесма

Типик бўз тупроқ гипс рангли учламчи давр ётқизиқларида шакилланган. Тошкент вилояти Бука тумани куриқ, шимолий ёнбагир қиялиги 2-3° (кучсиз ювилган тупроқ)

0-3 пушти кулранг, палахса пластинкасимон тузилишда, зичлиги кам, ўртача қумоқ, намлиги кам, майда илдиз ва илдизлар кўп учрайди, зичлик ва тузилиши бўйича ўзгариши аниқ бўлинади.

3-12см кулрангтаб-жигарранг, палахса бўлакли тузилиши, ўртача зичликка эга, огир қумоқ, намлиги кам, карбонатларнинг саноқли доглари мавжуд, майда илдизчалар кўплаб учрайди, ранг бўйича ўзгариши муътадил.

12-44 см қизгиш-кулранг тоб, палахсали тузилишда, зичлиги ўртача, намлиги кам, огир қумоқ, карбонатлар сохта лицелейи ва саноқли ўсимлик илдизчалари кўринишидаги киритмалар мавжуд.

44-63см- рангли чипор, жигарранг - малла, тузилиши палахса-бўлакли, зичлиги ўртача, огир қумоқ, намлиги кам, карбонатлароким кўринишидаги киритмалари, ўсимликларнинг майда илдизчалари мавжуд, чувалчанг ва капролитларнинг йўллари кўринади. Ранг бўйича ўзгариши кескин.

63-91см рангли чипор-жигарранг, қора, қизгиш-малла догли, карбанат ва гипснинг ажратмалари кўринади, палахса тузилишда, ўртача зичликда, огир қумоқ, намлиги кам.

91-140 см пушти-қизгиш, қўнгиртоб, рангда тузилиши бекарор, жуда зич, огир қумоқ, намлиги кам, ўсимликлар илдизлари саноқли тарда жуда кам учрайди, карбонат ва микрокристалларнинг катта миқдори мавжуд.

3.Кесма

Типик бўз тупроқ. Тошкент вилояти Бука тумани, қуриқ. шимолий ёнбагир қиялик 5-5,5° ўртача ювилган тупроқ.

0-3см кулранг қўнгир, заррачали пластинкасимон тузилишда, зичлиги кам, соз, ўртача қумоқ, ўсимликда илдиз ва илдизчаларнинг катта миқдори учрайди, саноқли шагал тош киритмалари мавжуд, тузилиши, зичлик ва намлик бўйича ўзгариш аниқ сезилади.

3-10см тўқ кулранг, палахсали тузилиш, жуда зич, намлиги кам, ўртача қумоқ ўсимлик илдизлари катта миқдорда саноқли шагаллар карбонатлар кам. Ўзгариши ранг ва зичлик бўйича аниқ.

10-28см чипор, кулранг, палахса бўлакли ўртача зичликда, намлиги кам, огирга яқин ўртача қумоқ, ўсимлик илдизчаларининг катта миқдори бор, чувалчанг капролит йўллари қўп, карбонатлар оқими саноқли, ўзгариш ранг ва карбонат миқдори бўйича кескин.

